
САҲОВАТДАН КЎНГИЛЛАР ШОД БЎЛДИ

Халқимиз орасида боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд оилалар ҳамда беморлар ҳолидан хабар олиб, уларни ҳам моддий, ҳам маънан қўллаб-қувватлаётган саҳоватпеша инсонлар сони кўпаймоқда. Айти кунларда туманимиздаги барча МФЙларда ана шундай саҳоватпеша инсонлар томонидан жонлиқлар сўйилиб, эҳтиёжманд фуқароларга тарқатилмоқда. Оққўрғон МФЙда истиқомат қилувчи қўли очиқ, саҳовотли Солижон ота Камолов ҳамқишлоқлари эътирофига сазовор бўлди. Унинг ҳомийлигида бир бош қўй сўйилиб, кам таъминланган оилаларга ҳадя этилди. Шунингдек, шўрқишлоқлик А.Маҳкамов, бегободлик Т. Раҳмонов ва С.Тусматовнинг эҳсонлари ҳам кўплаб фуқароларни мамнун қилди.

2023-02-09 15:38:10